Ҳужжатлар институти

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2006-yil • 17-yanvar • Seshanba • 7 (27.499) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

МАРКАЗИЙ КЕНГАШДА ҚАБУЛ

Кеча Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида Корея Халқ Демократик Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ли Дон Пал қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Л.Ғуломов партиямизнинг сўллик ғояси, парламентдаги фракцияси ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар гуруҳларининг фаолияти, ХДП V қурултойи қарорларини бажариш бўйича партия бошланғич ташкилотлари олдида турган вазифалар ҳақида гапирди.

Элчи жаноблари Ўзбекистон ва Корея Халқ Демократик Республикаси ўртасидаги дўстона алоқалар ҳақида тўхталаркан, мамлакатимиз Президенти раҳбарлигида юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, демократик жараёнларни чуқурлаштириш борасида қилинаётган улкан ишларни таъкидлаб, икки мамлакат ҳамкорлиги истиқболига катта ишонч билдирди.

Қабул маросимида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Ш.Абдуллаева иштирок этди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР

Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасидаги алоқалар барча жабҳаларда, хусусан, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Тошкент ахборот технологиялари университети (ТАТУ) билан Жанубий Кореянинг Сеул, Хосео, Йонгам каби йирик олий ўқув юртлари ўртасида самарали алоқалар йўлга қўйилгани бунга ёрқин мисол бўла олади.

Айни кунларда ТАТУда Жанубий Кореянинг Ахборот технологиялари бўйича халқаро тадқиқот маркази (ITIRC) билан ҳамкорликда Сеул ҳамда Хосео университетлари профессорлари иштирокида Ўзбекистон-Корея ахборот технологиялари тренинг-семинари давом этмоқда.

«Мултимедия технологиялари» ҳамда «Linux» очиқ дастурига оид мавзуларга бағишланган мазкур тадбирда юртимиздаги ахборот технологиялари йўналишида фаолият юритаётган соҳа ходимлари, университет профессор-ўқитувчилари, талабалар иштирок этаётир.

— «Linux» очиқ дастури — операцион тизим бўлиб, компьютернинг ишлаши учун муҳит яратади, — дейди Сеул университети профессори Керн Кох. — Сўнгги йилларда жаҳонда ана шундай очиқ кодли дастурлар кенг истеъмолга кирмоқда. Чунки, у жуда қулай. «Linux» фойдаланувчини дастурлаш оламига етаклайди. Содда қилиб айтганда, бунда ишлаган одам дастурни ўзи хоҳлагандек кенгайтириши, янада такомиллаштириши мумкин. Бунинг учун ҳеч қандай сарф-харажат талаб қилинмайди.

Семинарда «Ахборот технологиялари ривожланаётган давлатларнинг телекоммуникация инфратузилмасини такомиллаштириш истиқболлари» мавзуидаги маърузаси билан иштирок этаётган Жанубий Кореядаги «Modacom» компанияси президенти Жонг Хи Ли Ўзбекистонда ушбу соҳани ривожлантиришга бўлган эътиборни юқори баҳолади. Унинг фикрича, Ўзбекистон ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун улкан имкониятларга эга мамлакатдир.

Ф.АРЗИЕВ, ЎзА мухбири

ОДАМЛАРГА НУР УЛАШАЁТГАНЛАР



Мамлакатимиз халқ хўжалигининг ҳамма тизимида каби иқтисодий ислоҳот йилларида энергетика корхоналари жамоалари ҳам аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш йўлида катта саъй-ҳаракат олиб бормоқдалар.

Айниқса, ҳукуматимизнинг **«2010 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси энергетика тармоғида ишлаб чиқарувчи қувватларни ривожлантириш ва реконструкция қилиш тўғрисида»**ги қарори (2000 йил) тизим корхоналарининг технология салоҳиятини оширишда муҳим ўрин тутди. Масалан, сўнгги беш йил ичида Пискент туман электр тармоқлари корхонасида бу борада қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Замонавий технологияларни жорий этиш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, энергия ички нархларини тартибга солиш ва бозор рақобатини босқичма-босқич шакллантириш — корхона жамоасининг мақсад-муддаоси бўлди.

— Туманда 23 мингдан ортиқ истеъмолчиларга хизмат кўрсатамиз, — дейди **туман электр тармоқлари корхонаси бошлиғи А.Назиров.** — 2005-2006 йиллар қиш мавсумига тайёргарликни ҳар қачонгидан барвақт ва пухта кўриб, мавсумга зарур шарт-шароитларни олдиндан яратиб олдик. Хизматимиз сифатидан кун сайин мамнун бўлаётган аҳоли ва юридик мақомга эга субъектлар қарздорлиги анча пасайди. Натижада, ўтган йилга нисбатан дебитор қарздорлиги ҳам камайишига эришилди...

...Фаолиятимиз самарадорлигининг ошишида Қурбонали Мамадалиев, Шуҳрат Позилов, Суннатулла Қодиркулов сингари ўнлаб ишчи ва инженер-техник ходимларимиз алоҳида жонбозлик кўрсатмоқдалар...

Замон АЛИ

✧✧✧



Суратларда: илғор энергетик Шуҳрат Позилов ва туман электр тармоқлари станцияси корхонасининг умумий кўриниши.

Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 5 январдаги Фармони қабул қилиниши муносабати билан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси кенгашлари, ташкилотлари ҳамда депутатлар тузилмаларининг сиёсий ва ташкилий вазифалари ҳақида

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроқўми Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 5 январдаги Фармони қабул қилиниши партия дастурий мақсадларининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлган — меҳнатга қобилиятли аҳолининг тўлақонли ишлаб чиқариш бандлигини таъминлаш учун янги ҳуқуқий ва молиявий-иқтисодий имкониятларни очиб берганлигини таъкидлайди.

Мазкур Фармоннинг қабул қилиниши ва унинг изчил амалга оширилиши партия электорати катта қисмининг ҳаётий манфаатларига бевосита жавоб беради. Мамлакат аҳолисининг бу тоифага кирувчи меҳнатга қобилиятли қатламлари ҳозиргача иқтисодиётнинг ҳақиқий секторида ишлаш имкониятига эга эмаслар.

Аҳолининг ушбу қисмидаги кўп болали оилаларда иш билан банд бўлмаган анчагина хотин-қизлар бор. Улар учун объектив сабабларга кўра, касаначилик ишлаб чиқариш фаолиятида қатнашишнинг амалдаги ягона шаклидир. Электоратнинг яна бир тоифаси — ногиронлар учун ҳам касаначилик кўп ҳолларда бандликнинг энг мақбул тарзидир. Ишни айнан касаначилик усулида ташкил этиш косибчилик ва халқ ҳунармандчилигини ривожлантиришнинг ҳам энг самарали йўли ҳисобланади. Бу ҳам Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурий устуворликлари жумласига киради.

Шу муносабат билан, партиянинг барча кенгашлари, ташкилотлари ва депутатлар тузилмаларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўзда тутилган вазифаларни бажаришда бевосита иштирок этишлари муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва уни ижро этиш мақсадида қабул қилинган дастур ҳамда бошқа давлат қарорларини амалга оширилишини ташкилий ва ижтимоий-сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш партия марказий органлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси, партиянинг жойлардаги кенгашлари, ташкилотлари ва депутатлар тузилмаларининг энг муҳим сиёсий вазифаси, деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясига 2006 йил I чорагида масалани ўрганиб чиқиб, депутатлар — фракция аъзоларининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиб, аҳоли бандлиги ва касаначилик шаклларини ривожлантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ва меҳнат муносабатлари, ходимлар ижтимоий ҳимояси ва ижтимоий суғуртасини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларининг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга йўналтирувчи зарур ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш тавсия этилсин.

3. Партиянинг Қорақалпоғистон Республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман ҳамда шаҳар кенгашлари қуйидагиларни таъминласинлар:

— давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларидаги ХДП депутатлар гуруҳларининг 2006-2007 йилларга мўлжалланган аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик ва рақобатни қўллаб-қувватлаш, касаначиликни ривожлантириш бўйича тегишли минтақавий ва маҳаллий дастурларга киритиш учун таклифлар ишлаб чиқишда фаол иштирокини ташкил этиш;

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги Фармонига мувофиқ, меҳнатни ташкил этишнинг касаначилик шакллари билан қамраб олинадиган, партия электорати орасида меҳнат муносабатларининг шартнома ва контракт шаклларининг ўзига хос ҳуқуқий хусусиятлари, ходимларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, қонун томонидан уларнинг касаначилик шароитидаги меҳнати, мулкий ва ижтимоий ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши омиллари ва кафолатларини тушунтириш бўйича фаол ва мақсадли иш олиб бориш;

— корхоналар ва касаначилик билан қамраб олинган аҳоли ўртасида шу масала билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий масалаларни ҳал этишда боғловчи бўғин вазифасини ўташ, йирик саноат корхоналарида фаолият кўрсатаётган бошланғич партия ташкилотларининг мазкур корхоналарнинг касаначиликни ривожлантириш мақсадида, хизмат кўрсатиш соҳалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан кооперациясини чуқурлаштиришга кўмаклашишини таъминлаш;

— партия маҳаллий кенгашлари ҳузуридаги Ўзбекистон ХДП жамоат ташкилотлари қабулхоналари эътиборини касаначилик билан қамраб олинган аҳоли билан меҳнат шартномалари тузиш ва уларга риоя қилиш устидан мониторинг юритиш, зарур ҳолларда уларнинг меҳнат, мулкий ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга амалий кўмак кўрсатишга қаратиш;

— Савдо-саноат палатаси, «Маҳалла» жамғармаси, Ногиронлар жамияти ва партиянинг бошқа ижтимоий шериклари тегишли маҳаллий ташкилотлари билан биргаликда, улар билан имзоланган шартнома ва битимларнинг касаначилик йўли билан аҳоли бандлигини ошириш ва янги иш ўринларини яратишга қаратилган бандларини амалга ошириш бўйича ишларни фаоллаштириш;

— касаначиликни ривожлантиришда Уста-шогирд анъаналаридан самарали фойдаланиш;

— ХДП бошланғич ташкилотлари, маҳаллий кенгашлари ва депутатлар бирлашмалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги Фармони жойларда бажарилиши устидан мониторинг юритиб, бу масалалар бўйича партия марказий органларига тезкор ахборот бериб туришни ташкил этиш.

4. «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари, партия маҳаллий нашрлари таҳририятлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 январдаги Фармони ижроси бўйича ишларга бағишланган доимий рукнлар очиб, партия маҳаллий кенгашлари, бошланғич ташкилотлари ва депутатлар тузилмаларининг тегишли фаолиятини кенг ёритсинлар, ижобий тажрибани оммалаштирсинлар, мазкур Фармонни ҳаётга татбиқ этиш бўйича қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатларини шарҳлаб бориш ҳамда жойларда амалга оширишда учрайдиган муаммоларни аниқлаш ва уларни ижобий ҳал этиш, камчиликларни бартараф этишга фаол кўмаклашсинлар.

Муносабат

ЮКСАК МЕҲР ВА ИШОНЧ ИФОДАСИ

МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИ, ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗ ОЛИЙ БОШ ҚЎМОНДОНИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИНИ ЎҚИБ, КЎНГИЛДАН КЕЧГАН МУЛОҲАЗАЛАР

Байрам табриги мазмун-моҳиятида энг аввало, ёшларга, аскарларга, ҳарбий хизматчиларга юксак меҳр, катта ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилгани яққол сезилиб турибди. Унда гап фақат ҳарбий техника, замонавий қурол-яроғ, жанговар тайёргарлик ҳақида эмас, айни чоғда аскарлар ва ҳарбийларнинг турмуши, уларни моддий жиҳатдан қўллаш, ижтимоий муҳофазалашни кучайтириш масалалари ҳам қамраб олинган. Бу эътибор ва ғамхўрликлар заминида эса аскарларнинг кейинги ҳаёти, турмуши, ҳарбий хизматчиларнинг оиласи тақдири ётибди.

Тўғриси, табрикни ўқиётиб яқин ўтмишдаги воқеалар ёдга тушади. Шўро салтанатининг «Армия ва халқ бир» дея айюҳаннос солинган замонларида ҳарбийлар байрами қандай нишонланарди? Табрик сўзларида нималар айтиларди? Аскар ва офицерлар аҳволи қандай эди? Кечагидек ёдимизда, ҳар йили 23 февралда матбуотда мамлакат Мудофаа министрининг буйруғи эълон қилинарди. У анъанавий баландпарвоз гаплар билан бошланиб, ўтган даҳолар ва улар ишини давом эттираётган «даҳоча»лар номлари тилга олиниб, қаҳрамон шаҳарлар санаб ўтиларди. Мушаклар отилсин, дея буйруқ бериларди. Бир оғиз инсоний, ҳаётий гап айтилмасди. Ана шундай муносабатлар туфайли меҳр-мурувват кўрмаган, шахсий ҳаёти, оилавий муаммолари чангалида ўралашиб қолган ҳарбий хизматчиларнинг аҳволини тушуниш мумкин эди. Сир эмас, бугунги кунда ҳам ён-атрофимизда ўша эски иллатлардан тўла-тўкис қутилиб олмаган давлатлар бор.

Ўзбекистон Қуролли Кучлари эса, табрикда таъкидланганидек, бугун юртимизнинг муқаддас сарҳадларини, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини, мусаффо осмонимизни муносиб ҳимоя қила олади.

Бу ютуқларга осонликча эришилмади, албатта. Армияни ислоҳ этиш, миллий Қуролли Кучларимизни шакллантириш, маҳаллий офицер кадрларни тайёрлаш, Ватан ҳимоясини — олий шараф деб билувчи аскарларни тарбиялаш йўлида жуда қалтис хавф-хатарларни енгиб, оғир синовлардан ўтишга тўғри келди.

Ўзбекистон Мустақилликка эришган дастлабки кунларда республика олдида бири-биридан оғир, мураккаб вазифалар турарди. Ана шундай даврда ҳам Юртбошимиз вазиятни тўғри баҳолай олди. Зудлик билан ҳарбий қисмлар моддий-техника базасини яратиш, миллий армияни шакллантириш чора-тадбирлари, стратегик режалари, давлат дастури ишлаб чиқилди. Мамлакатимиз Президентининг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида армияни ихчам, тезкор ва ҳаракатчан, мамлакатимизни ҳар қандай хавф-хатарлардан ишончли ҳимоя қила оладиган Қуролли Кучларга айлантириш борасида муҳим ишлар бошланди. Бу жараёнда аскарлардан тортиб офицеру генералларгача мамлакат раҳбарининг эътибор ва ғамхўрлигини ҳис этиб турибдилар. Ислом Каримов Олий Бош Қўмондон сифатида ҳарбий қисмларда тез-тез бўлиб оддий аскарлар турмуши, ўй-фикрлари, орзу-умидлари билан қизиқишини, ҳатто уларнинг ётоқлари, кийим-бошлари, озиқ-овқатларигача аҳамият бериб, таклифлар билдирганига кўп бор гувоҳ бўлганмиз.

Бир мисол, 2001 йилда Қирғизистон томондан ўтиб, мамлакатимиз жанубий чегараларига суқилиб кирган террорчи гуруҳларни тугатиш операциялари авжига чиққан бир пайтда Республикамиз Президенти, Олий Бош Қўмондон Ислом Каримов жанглар давом этаётган ҳудудга боргани халқимиз хотирасида.

— Террорчиларни тугатиш бўйича махсус операцияларнинг энг асосий якунловчи босқичини бошлаш 22 август кунига белгиланган эди, — дея ҳикоя қилганди ўша пайтда махсус кучлар взводи командири, капитан Шуҳрат Гусейнов. **— Тушга яқин учиш майдонига бир неча вертолёт келиб қўнди. Олдинига аҳамият бермадик, бирор гуруҳ махсус операциядан қайтган бўлса керак, деб ўйладик. Лекин вертолётдан тушган ҳарбийлар орасида Олий Бош Қўмондон Ислом Абдуғаниевич Каримовни кўриб тўғриси, кўзларимизга ишонмадик. Биз учун яна бир таъсирли жойи шу бўлдики, Олий Бош Қўмондон аввал қўмондонлик чодирига қараб эмас, балки биз жангчилар томон юрди. Ҳар биримиз билан самимий сўрашди, аҳволимиз, яшаш шароитимиз, қуролларимиз, ҳарбий анжомларимиз билан қизиқди. Ҳар бир аскар ва офицер фикрини диққат билан тинглади.**

Унинг яна бир гапи юрагимда муҳрланиб қолган. «Қаҳрамонлик керак, — деди Ислом Абдуғаниевич, — лекин бекорга ўзини ўққа тутиш керак эмас... Мен ўз йигитларимнинг биттасини бу унсурларнинг ўнтасига алмашмайман. Ҳар бир жангчи ўз ишининг устаси бўлиши, ўз Ватанига, оиласига кераклигини унутмаслиги лозим».

Гувоҳлар айтишича, ўша кунлари давлат раҳбари жангчи ёки офицерларимизнинг ҳалок бўлгани ҳақидаги ҳар бир маълумотни эшитиб, ниҳоятда қайғурган. Генералларга ҳар бир жангчи ҳаёти учун жавобгар эканликларини уқтирган.

Кўпчиликка маълумки, Президентимиз Ўзбекистон Қуролли Кучларининг ўқув-машғулот маркази очилиш маросимида қатнашиб, бу ерда Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юрти курсанти Баҳодир Жўраев билан сухбатлашганди. У давлатимиз раҳбарини ўзининг бўлғуси ниқоҳ тўйига таклиф этди. Орадан икки йил ўтиб, ёш курсантнинг орзу-умидлари ушалди — унинг ниқоҳ тўйи муносабати билан Президент томонидан йўлланган табрик ва эсдалик совғаси Баҳодир ва Голибалар ҳаётида ўчмас из қолдирди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ватан ҳимоячиларига йўлланган табрикдаги сўзлар, фикрлар, ғоялар ҳаётийлиги сабаби шундаки, Ислом Каримов Юртбоши сифатида ҳам, Бош Қўмондон сифатида ҳам армияда бўлаётган ислоҳотлар жараёни, асмақсад, том маънода шон-шараф ишига айланмоқда.

Табрикда ҳар бир ҳарбий хизматчи онгида юксак ахлоқий ва маънавий фазилатлар, фаол ҳаётий позицияга эгалик ва ватанпарварлик ҳиссини тарбиялаш муҳим вазифалардан экани таъкидланган. Дарҳақиқат, Қуролли Кучлар салоҳияти нафақат замонавий ҳарбий техникаларга, айни чоғда аскар ва офицерларнинг юксак маънавияти ҳамда ватанпарварлигига боғлиқ.

Ватан ҳимоячиси дегани — бу аждодларимиз яшаб ўтган, жонини тикиб ҳимоя этган, бугун сизу биз умргузаронлик қилаётган, эртага биздан мерос бўлиб фарзандларимизга қоладиган азиз ва муқаддас она заминимиз ҳимоячиси, умум уйимиз ҳимоячиси, тинч, осойишта ҳаётимиз ҳимоячиси. Аскар ўз ҳарбий хизмати моҳиятини қанчалик чуқур англаса, у шунчалик довюрак ва

енгилмас бўлади.

Бугунги мураккаб замонда, нотинч дунё, турли бузғунчи кучлар хуружи авж олаётган, айрим давлатлар томонидан зўравонлик сиёсатини юритишга уринишлар бўлаётган шароитда Қуролли Кучларимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш аҳамияти табрикда аниқ тушунтириб берилган. Бу борада айтилган сўзлар бизни янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга, аскар ва ҳарбий хизматчиларга меҳр кўзи билан қарашга даъват этади. Табрикнинг яна бир муҳим жиҳати, унда Қуролли Кучларимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш борасида янги ғоялар ва вазифалар илгари сурилди, хавфсизлигимизга рахна солиши мумкин бўлган замонавий хатар ва таҳдидларни сезгирлик билан баҳолаш, ҳарбийларимиз, айниқса, қўмондонлик ва раҳбарлик лавозимида ўтирганларнинг ўз иши учун талабчанлик ва масъулият ҳиссини янада кучайтириш, ҳарбий хизматчилар касбий малакаси, қўшинларнинг юксак жанговар қобилиятини ҳар томонлама мустаҳкамлаш каби долзарб вазифалар белгилаб берилди. Уларни амалга оширишнинг энг асосий шарти — ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-маиший аҳволини, яшаш шароитларини яхшилаш, иш ҳақи ва таъминотини ошириш масалаларини босқичма-босқич равишда яхшилаб бориш давлат ва жамиятнинг доимий диққат-эътиборида бўлиши зарурлиги кўрсатиб ўтилган.

Илгари сурилган бу ғоялардан нафақат ҳарбий хизматчилар, балки катта-кичик барча раҳбарлар, жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, хусусан ХДП фаоллари тегишли хулоса чиқариб олмоғи лозим, албатта. **Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Қуролли Кучларимиз муқаддас заминимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг ишончли кафолати бўлиб келмоқда».** Шунинг учун ҳам Ватан ҳимоячилари ҳар қандай юксак эъзозга, ҳурмат-эҳтиромга муносиб.

Сафар ОСТОНОВ

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
KO'PLARNI TANISHADI — MUNOSIBLARNI TANLASHADI!
Tel: 120-45-01, 120-45-82, факс: 133-32-40
www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

ЎзХДП янгиликлари

ЁШЛАР — ҚАНОТИМИЗ, УМИДИМИЗ, ТАЯНЧИМИЗ

Гулистонда бўлиб ўтган Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилояти кенгаши қошидаги «Истиқбол» ёшлар қанотининг таъсис конференциясида партия Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари Гулрўх Аъзамова якунланган йилда Президентимизнинг ижтимоий ислоҳотларни кучайтиришга қаратилган қатор фармон ва қарорлари қабул қилинганлиги, бу ҳужжатлар ҳамда 2006 йилни «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилиниши тўлалигича партия электорати манфаатларига жавоб бериши ҳақида маъруза қилди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши қошидаги «Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббускор гуруҳи раҳбари Сухроб Исмоилов ёшлар қанотини тузишдан мақсад, бундай ҳаракатнинг ҳуқуқий-ғоявий асослари, ундан кўзланган натижалар тўғрисида гапирди. Мавжуд муаммоларни бартараф этишда ёшларга хос шижоат, куч-ғайрат ва жасоратнинг муҳимлиги, сайловларда бизни қўллаб-қувватлаган электорат умидларини сўзда эмас, амалда рўёбга чиқаришда гуруҳ зиммасига юкланаётган вазифалар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашди.

— Ёшлар бор жойда шижоат бор, ғайрат бор, келажакка ишонч бор, — деди ёшлар қаноти ташаббускор гуруҳи аъзоси, «Сайҳун зиёси» болалар газетаси муҳаррири Нафиса Пўлатова. — Ишонч билан айтиш мумкинки, биз — ёшлар партиямиз Дастурида белгиланган вазифаларни бажаришнинг уддасидан чиқамиз.

Музокараларда Гулистон шаҳридаги хорижий тиллар лицейи ўқитувчиси Дилшод Тўрақулов, Гулистон шаҳридаги 6-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Денис Дубков ва бошқалар томонидан мавжуд муаммоларни ҳал қилиш мақсадида жамоатчилик қабулхоналари имкониятларидан фойдаланишда ёшларнинг ўрни, йигит-қизларни ташвишлантираётган айрим масалалар бўйича ҳуқуқий маслаҳатхоналар очиш, жамиятнинг барча жабҳаларида ёшларнинг фаоллигини ошириш зарурлиги юзасидан таклифлар, мулоҳазалар ўртага ташланди.

Таъсис анжуманида Ўзбекистон ХДП «Истиқбол» ёшлар қанотининг Сирдарё вилояти бўлими тузилди. Делегатлар орасидан ёшлар қаноти раҳбарияти ҳамда республика қурултойига делегатлар сайланди.

✧✧✧

Жиззахда ҳам Ўзбекистон ХДП Жиззах вилояти кенгаши қошидаги «Истиқбол» ёшлар қанотининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши қошидаги «Истиқбол» ёшлар қаноти ташаббускор гуруҳи раҳбари ёшлар қанотининг мақсад ҳамда вазифалари ҳақида тушунча берди.

Музокараларда қатнашган ёшлар кейинги пайтларда партиямиз томонидан яқин-яқинларда қадар ХДП фаолияти учун хос бўлган сиёсий мўртлик ва заифлик ҳолатидан чиқиш учун таъсирчан ҳаракатлар қилинаётганини, қатъий қадамлар қўйилаётганини эътироф этишди. Шу билан бу борада ҳали кўп ишларни амалга ошириш зарурлигига, бу мақсадларни рўёбга чиқаришда эса ёшларнинг ўзига яраша ўрни, роли борлигига тўпланганларнинг эътиборини қаратдилар. Хусусан, ўқув юртларида ҳалиҳамон учраб турган таъмагирлик ҳолатларига барҳам бериш, ўқувчи ва талабаларни пахта йиғимтеримига жалб этиш билан боғлиқ айрим муаммоларга чек қўйиш, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларининг нархлари, ёшлар учун ҳуқуқий маслаҳатхоналар, тўгарак ҳамда таълим ва ҳунар марказлари очиш билан алоқадор муаммолар, уларни бартараф этиш бўйича ёшлар олдида турган муҳим вазифалар ҳақида тўхталиб ўтилди.

Таъсис анжуманида Жиззах давлат педагогика институти тарих-ҳуқуқшунослик факультети магистри Шуҳрат Хожиметов «Истиқбол» ёшлар қаноти вилоят бўлими раиси, шу институт тарих факультети талабаси Санжар Абдурахмонов раис ўринбосари этиб сайландилар.

✧✧✧

Шунингдек, Ўзбекистон ХДП Сирдарё ва Жиззах вилоятлари кенгашлари қошидаги «Фаол аёллар» қанотларининг «давра суҳбат»лари ҳам бўлиб ўтди. Уларда хотин-қизлар Халқ демократик партиясининг асосий таянчларидан эканлиги ҳақида сўз борди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциямизнинг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси ҳамда Янги йил табригида кўтарилган масалалар бўйича «Фаол аёллар» қаноти олдида турган муҳим вазифалар, ижтимоий муаммоларни бартараф этиш, аҳоли орасида аҳиллик ва жипслиги мустаҳкамлаш, лоқайдлик, бепарволикнинг олдини олиш, ҳушёрлик, сергакликни кучайтириш бобида хотин-қизларнинг ўрни, ролини ошириш бўйича фикрлар, таклифлар билдирилди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

❖

Ўзбекистон ХДП Фарғона вилояти кенгаши қошидаги «Истиқбол» ёшлар қанотининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Бу анжуманга ёшлар катта тайёргарлик ва режалар билан келишди.

Маълумки, вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ёшларнинг ўз ўрни бор. Улар барча жабҳаларда фидокорона, эртанги кунга ишонч билан меҳнат қилишмоқда. ХДП сафи ёшлар ҳисобига ёшармоқда, янада кучга тўлмоқда.

Конференцияда вилоят ёшларининг вакиллари ўзларининг истиқбол режаларини белгилаб олишди. Энг долзарб муаммолар ўртага ташланди, уларни ечиш юзасидан маслаҳатлашилди. Куч, тажриба, билим ва кўникмаларини бирлаштирган ҳолда ХДПга суяниб, олға қадам ташлашга келишиб олинди.

Таъсис конференциясида Ўзбекистон ХДП МК раиси ўринбосари Гулрўх Аъзамова қатнашди ва сўзга чиқди.

Таъсис конференциясида Ўзбекистон ХДП «Истиқбол» ёшлар қанотининг вилоят бўлими тузилди. Делегатлар орасидан ёшлар қанотининг раҳбарияти ҳамда республика қурултойига делегатлар сайланди.

Ёшлар анжуманидан сўнг айрим иштирокчилардан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрадик.

Наргиза Охунова, ФДУ талабаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори:

— Ёшларнинг ҳам ўзига яраша муаммолари бор. Биринчи навбатда уларнинг бошини қовуштириб, фаолликка, ижодкорликка ундаш даркор. Мен катта умидлар билан ХДП аъзоси бўлганман ва шу партия сафида эл-юрт равнақи учун хизмат қилмоқчиман.

Конференцияда аниқ гап-сўзлар айтилди. Истардимки, вилоятимиз ёшлари учун биринчи навбатда иш ўринлари кўпайтирилса.

Салоҳиддин Мадумаров, Охунбобоев туман касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси:

— Аввалло ХДПнинг ёшлар манфаатларини ҳимоя қилаётганлиги ниҳоятда муҳимдир. Ҳозир маълумотли айрим ёшларнинг ишсиз қолаётганлиги ҳам бор гап. Биз конференцияда шу масалаларни ҳам атрофлича муҳокама қилдик. Ўйлайманки ёшлар қаноти бу муаммоларни ҳал этишга муносиб ҳисса қўшади.

Холиқназар ЖЎРАБОЕВ,
журналист

Ватан ҳимояси — олий шараф

БИЗ СИЗЛАРГА ИШОНАМИЗ!

Ўзбекистондек жаннатмакон юртни ҳимоя қилаётган, сизу бизнинг тинч-осойишта ҳаётимизни ўйлаб, кечаю-кундуз сарҳадларимизда ҳушёр турган аскарларимизни ҳар қанча эъзозласак арзийди.

Умумхалқ байрами — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий госпиталида уюштирилган тадбирда ҳам мана шу фикрлар яна бир бор ўз ифодасини топди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Мудофаа вазирлиги ҳамкорлигида ташкил қилинган байрам дастури ҳарбий хизматчилар ва меҳмонлар хотирасида узоқ сақланиши шубҳасиз.

— Ҳам она, ҳам опа сифатида сиздек юртимиз ўғлонлари билан фахрланаман, — деди тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова. — Ҳарбий шифокорларимиз ҳам Ватанимиз ҳимоячилари саломатлигини сақлаш йўлида кечаю-кундуз фидойилик кўрсатишмоқда. Уларни ҳам байрам билан чин дилдан қутлайман.

— Мамлакатимиз Президентининг Ватан ҳимоячиларига йўллаган табриги ҳар биримиз қалбимизни фахр-ифтихорга тўлдирди, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси раиси Аслиддин Рустамов — Ана шундай ажойиб

кунда сизларни қутлаш биз учун ҳам шараф. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да Марказий ҳарбий госпитал шифокорлари билан учрашувимиз ўзига хос рамзийлик касб этади.

ЎзХДП Мирзо Улуғбек туман кенгаши раиси Раъно Сатторова аскарларга совға-саломлар топширар экан, жумладан, шундай деди:

— Халқимиз тинчлиги йўлида машаққатли синовларни мардона енгаётган ҳарбийларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Биз Ватанимизнинг мард, жасур аскарларига ишонамиз.

Байрам тадбирида тинчлигимиз қалқонлари улуғланиб, энг яхши тилаклар билдирилди, уларга аталган шеърлар ўқилди. Санъаткорлар чиқишлари байрам руҳига ҳамоҳанг бўлди.

Равшан ШОДИЕВ

Суратларда: байрам тадбиридан лавҳалар.
Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари диққатига!

ТАДБИРКОРЛИК ҲИМОЯСИДАГИ ЯНГИ ИНСТИТУТ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейинги вақт ичида мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳамда ҳимоя қилишга катта эътибор берилмоқда. Чунки ҳар қандай давлатнинг иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиши ва юксалишида тадбиркорликнинг ривожланиши муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар қандай тадбиркор иш фолиятида бошқа тадбиркорлик субъектлари, давлат ҳамда хусусий сектор вакиллари билан турли жараёнларда ҳамкорлик қилиши табиий. Бунинг натижасида улар ўртасидаги шартномавий муносабатлар ўз вақтида ёки умуман бажарилмаслиги ёхуд бошқа ҳолатлар юзага келиши оқибатида турли низолар ҳам келиб чиқиши табиийдир.

Бозор муносабатларининг такомиллашиши, шунингдек тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги низоларни турли расмиятчиликларсиз тезда ҳал қилиш эҳтиёжи ҳакамлар судлари ташкил этилиш заруриятини келтириб чиқарди.

Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида ҳакамлар суди масаласига алоҳида эътибор қаратилди ҳамда тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги хўжалик низолари хўжалик суди ёки ҳакамлар суди томонидан кўриб чиқилиши кўрсатиб ўтилди. Дарҳақиқат, ҳакамлар судлари институтининг жорий этилиши хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиради ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай ҳуқуқий, иқтисодий шарт-шароитлар яратади.

Бизга маълумки, кўпгина ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар тажрибасида ҳакамлар судлари фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал қилади. Ҳозир муҳокама қилинаётган «Ҳакамлар судлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасида ҳам бу судлар фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал этиши белгиланган. Назаримда, ҳакамлар судлари айнан қандай муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал қилиши қонунда аниқ ва лўнда қилиб кўрсатилса мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки фуқаролик муносабатларидан келиб чиқадиган низолар ҳақида ҳар ким ҳар хил фикрга эга. Баъзилар меҳнат, оила, ҳатто ер ҳуқуқига оид низоларни ҳам фуқаролик ҳуқуқига оид муносабат деб ҳисоблайди. Шунга кўра меҳнат, оила, ер ҳуқуқига оид муносабатлардан келиб чиқадиган низолар ҳакамлар суди томонидан кўрилмайди, деб белгиланса ҳаммага тушунарли бўлади.

Ҳакамлар судлари давлат судларидан фарқ қилади, хусусан, ҳакамлар судларида тарафларнинг ўзи судьяларни танлаш ҳуқуқига эга. Ҳакамлар судида ишлар асосан келишув омилларидан фойдаланилган ҳолда ҳал қилинади.

Ҳакамлар суди чиқарган қарор устидан босқичма-босқич шикоят қилиш қонун лойиҳасида кўрсатилган эмас. Лекин шу нарсага эътибор беришимиз керакки, жиноят ишлари, фуқаролик, хўжалик ҳамда маъмурий ишлар юзасидан чиқарилган суд қарорлари устидан фуқаролар норози бўлсалар апелляция, кассация ва назорат тартибида шикоят қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳакамлар судлари чиқарган унинг мазмун-моҳияти бўйича шикоят қилиниши мумкин эмаслиги тарафларнинг процессуал ҳуқуқларини чеклаб қўйиши мумкин. Бундай ҳолда бу судларда кўрилган ишлар юзасидан чиқарилган қарордан тарафлардан бири норози бўлса, уларга маълум бир тартибда шикоят қилиш ҳуқуқи ёки умумий асосларда хўжалик ёки фуқаролик судига мурожаат қилиш учун йўл бериш мақсадга мувофиқ бўларди.

Қонун лойиҳасида кўрсатилишича, ҳакамлар судининг қарори ихтиёрий равишда бажарилади. Лекин хорижий тажрибадан маълумки, бундай судлар чиқарган қарорларнинг аксарият кўпи бажарилмайди. Тарафлар низони ҳакамлар судига ошириш ҳақидаги битимни имзолаганларида суд қарори кимнинг фойдасига ҳал бўлишидан қатъи назар ижро этиш мажбуриятини оладилар. Агар қарор ихтиёрий равишда бажарилмаса, манфаатдор тараф ҳакамлар суди қарорининг мажбурий ижроси учун бериладиган ижро варақасини сўраб ваколатли судга мурожаат қилишга ҳақли. Ваколатли давлат суди ижро варақаси бериши шарт, деб лойиҳада кўрсатилган. Бундай ҳолда табиий савол туғилади: ваколатли давлат суди бу қарорга иккинчи даражали кўз билан қарамайдими? Шунинг учун ижро варақани ёзиш ва уни ижро қилиш учун юборишни ҳакамлар суди ваколатига бериш тўғри бўлмасмикин?

Қонун лойиҳасининг номи биринчи ўқишда «Ҳакамлар суди тўғрисида» деб қабул қилинди. «Ҳакам» сўзи «судья» деган маънони англатади. Назаримда бу ном керакли маънони бермаяпти. Умуман олганда ушбу лойиҳа ҳақида фикр-мулоҳазалар кўп. Депутатларимиз, албатта, бунга эътибор беришади, деб ўйлаймиз.

Умуман олганда қонуннинг мақсади тадбиркорлар ўртасида юзага келган шартномавий низоларни адолатли ҳал этиш, иқтисодиётга тааллуқли бўлган судлов ишларини тез ва сифатли амалга ошириш ҳамда низоларни иложи борича келишув омиллари асосида ҳал этишдан иборат. Умид қиламизки, қонун депутатлар томонидан иккинчи, учинчи ўқишда кенг муҳокама қилинади ва биз ёшларни ўйлантирган масалалар ўз ечимини топади.

Хуршида ЖАЛИЛОВА,
Мирзо Улуғбек номли Ўзбекистон Миллий университети талабаси

МУҲИМИ — СИФАТ

Гапнинг рости, бугунги кунда қурилиш учун қўйилаётган талабга ҳамма ҳам чидай олмайди. Талаб эса битта: сифатли қур! Улкан маблағларнинг пировард натижаси ҳам, бир-биридан пишиқ лойиҳалар ҳам, ўтказилаётган пудрат танловларининг моҳияти ҳам биргина шу масалага боғлиқ. Очиғи, ёмон қурилишлар ҳам, қурувчилар ҳам озмунча эмас. Бироқ бу гал қисқагина бўлсин-да, «Ҳисоракгидроқурилиш» бунёдкорлари ҳақида илиқ фикрларни айтмоқчимиз.

Мироқи қўрғонидаги кўркам уйлар, спорт мажмуаси, мактаблар ўша пайтда республикада энг сифатли деб топилгани ҳам рост. Қурувчилар битказган каналлар, мелиорация иншоотлари, корхоналар озмунча эмас. Ҳиссадорлик жамияти анча вақт маълум қийинчиликларни бошдан кечирди, аммо ўз услуби, сифатли ишлаш даражасини сақлаб қолди.

— Бугун шундай вазият вужудга келдики, қурилиш муддати қисқа, сифат биринчи ўринга чиқди, — дейди «Ҳисоракгидроқурилиш» жамияти раиси Аҳмад Ҳидиров. — Бунга мослашиш осон эмас. Аммо биз ҳаракат қилаяпмиз. Ҳозир битта буюртма қандай амалга ошгани ҳақида гапирмоқчиман. Чироқчи туманидаги «Чиял» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида иқтисодиёт касб-ҳунар коллежини қуриш учун ўтказилган танловда биз ғолиб чиқдик. Қурилиш 2005 йилнинг январь ойида бошланди. 11 ой ичида 1200 ўқувчига мўлжалланган коллежнинг уч қаватли биноси, 50 ўринли ётоқхона, спорт зали, ошхона, қутубхона қуриб битказилди. Бу ишлар учун 2 миллиард 870 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Қурилиш сифатига кафолат берамиз...

Дарҳақиқат, пишиқ лойиҳа асосида сифатли қурилган ўқув масканининг аҳамияти катта. Айни пайтда бу ерда 500 га яқин ўқувчи таълим олмоқда.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

ФАРҒОНА. (ЎзА мухбири М.Сулаймонов). Кувасой мамлакатимиз саноатида салмоқли ўрин тутадиган шаҳарлардан саналади. «Кувасойцемент», «Кварц», «Кувасой чинниси» каби корхоналар айни пайтда тўла қувват билан ишлаяпти. Шунингдек, бу ерда фаолият кўрсатаётган кичик ва хусусий бизнес субъектлари сони ҳам ортиб бормоқда.

«Набоҳат» — ана шу хусусий корхоналарнинг бири. У сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ўтган йили «Пахтабанк»нинг Кувасой шаҳар бўлимидан 150 миллион сўм кредит олган корхона салқин ичимликлар ишлаб чиқариш линиясини ҳам ишга туширди.

Кувасойда саноат корхоналарининг, кичик ва хусусий бизнес субъектларининг кўпаяётгани шаҳарда ишсизлик муаммосини ҳал этишга кўмаклашмоқда. Биргина «Набоҳат» хусусий корхонасида иш бошлаган янги линия шарофати билан 30 нафар йигит-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди.

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ ҲУЗУРИДА

Осойишталик — олий неъмат, зеро, эл-юрт тинчлигини ҳимоялаш ҳар бир йигитнинг муқаддас бурчидир. Ҳарбий хизмат ёшларимизни ҳар томонлама баркамол шахс, касб-ҳунар эгаллаб, маънан теран, жисмонан бақувват инсон қилиб тарбиялайдиган мактабдир.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сирғали туман кенгаши қошидаги «Фаол аёллар» қаноти, туман хотин-қизлар қўмитаси, республика «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармаларининг туман бўлимлари, «Камолот» ёшлар-ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда «Ватан ҳимоячилари куни» байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисмларда тадбир ўтказди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Боймурод Юсупов ва туман ҳокими Муталиб Абдуллаев қатнашди ҳамда ҳарбий хизматчи ва аскарларни табриклади.

Ҳарбий хизматчилар ҳамда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарларга байрам дастурхони ёзилди. Бир пиёла чой устида аскар йигитларга совға-саломлар улашилди.

Туман мудофаа ишлар бўлими бошлиғи Ҳасан Усмонов ташкилотчиларга миннатдорчилик билдириб:

— Бундай учрашувлар аскарларимиз руҳини кўтариб, эл-юрт тинчлигини қўриқлашда мардлик кўрсатишда, янада жанговар бўлишга ундайди, — деди.

Санъаткорларнинг куй-қўшиқлари учрашувга ажиб шодлик, шукуҳ олиб кирди.

(Ўз мухбиримиз)

ҲАРБИЙЛАР ҲАЁТИ БИЛАН ТАНИШУВ

Самарқанд вилояти хотин-қизлар қўмитаси ҳарбий қисм ва ўқув юртларида ватанпарварлик мавзуида қатор учрашувлар ўтказмоқда

Ана шундай тадбирлардан бири «Аскар оналар слёти» номи билан аталиб, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти ҳамда ҳарбий қисмларда ўтказилди.

Тадбирда ўз йигитлик бурчини сидқидилдан адо этаётган аскарларнинг оналари, меҳнат фахрийлари ва маҳалла вакиллари иштирок этди. Аскарлар ҳаёти, уларга яратилган шароитлар билан яқиндан танишган анжуман иштирокчилари армиямизда катта ислоҳотлар ўтказилаётганига гувоҳ бўлишди.

Самарқанд давлат университети, чет тиллар институти талаба қизлари, таниқли санъаткорлар ҳамда вилоят ижодий жамоалари томонидан саҳналаштирилган бадиий чиқишлар ҳарбийларни беҳад қувонтирди.

Меҳмон кутиш маданияти, миллий урф-одатларимизни тарғиб этиш мақсадида ўтказилган «Энг намунали ҳарбий оила» танлови ҳам қизиқарли ўтди.

— Бундай тадбирларни ўтказишимиздан мақсад — ҳарбийларимиз ҳаётига янада мазмун бахш этиш, — дейди вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Гавҳар Худойбердиева. — Инсон қайси соҳада хизмат қилмасин, унинг учун ўз аёли, оиласи биринчи масала. Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан қўмитамизда ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ва дастурга кўра, ҳарбийлар ҳаёти билан яқиндан танишдик.

Шуҳрат ҚАРШИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ҲОКИМ ҲАЛ ҚИЛОЛМАГАН МУАММОНИ

сиз ечармидингиз? — дейишди мухбирга Шўрчи туманининг «Элбаён» маҳалласида истиқомат қилувчилар»

Ана шундай сўзлар билан бошланувчи танқидий-таҳлилий мақола газетамизнинг 2005 йил 26 ноябрь сонида босилган эди. Унда «Элбаён» маҳалласида истиқомат қилувчи 18 та хонадон уй-жойини 2004 йилнинг 10 январь тунида кучли сел олгани, табиий офатдан кўрилган зиён ва одамларга янги жой бериш масаласи билан шуғулланган махсус комиссиянинг қарори ижобат бўлмаётгани, 110 нафар киши қиш-қировли кунларда азият чекаётгани ҳақида ёзилганди. Яқинда мазкур мақола юзасидан жавоб мактуби олдик. Унда жумладан шундай дейилади:

«Ўзбекистон овози» газетасида чоп этилган мақола юзасидан қуйидагиларни маълум қиламиз.

Шўрчи туманидаги (собиқ) Ж.Хўжамиёров ширкат хўжалигининг «Қора-ариқ» адирлиқ ер ҳудудидан Элбаёнсой канали ёқасида жойлашган 18 та хўжалик аҳолисига томорқа ер майдони бериш мақсадида вилоят ҳокимлиги билан келишилган ҳолда жой танланиб, туман ҳокимлиги қошидаги комиссия томонидан тегишли барча ҳужжатлар расмийлаштирилди ва Элбаёнсой канали ёқасида жойлашган 18 та хўжалик аҳолисига белгиланган тартибда томорқа ер майдони ўлчаб берилди.

Шўрчи тумани ҳокимининг ўринбосари Ш.ХОЛТЎРАЕВ».

Шарҳловчи нигоҳи

ҲАҚ СЎЗ

Германиянинг янги канцлери Ангела Меркель расмий ташриф билан АҚШда бўлди. У халқаро ҳаётдаги муаммолар ҳақида уч соат мобайнида Жорж Буш билан юзма-юз ўтириб суҳбатлашди сўнгра мухбирларнинг олдига чиқиб, айрим масалаларда томонларнинг ёндошувлари турлича эканини таъкидлар экан, биз Гуантанамодаги қамоқхонани ноқонуний деб ҳисоблаймиз, дея ўзининг ҳақ сўзини айтди. Ўз навбатида Жорж Буш ҳам ўзининг ҳақиқатини Ироқда демократик жамият қурилаётганлиги билан ифодалади. Демак, ҳар қайсиси ўзларича ҳақ. Уларга ҳеч ким ҳакамлик қилолмайди. Аслида ҳакам бор, бироқ ҳукми ўтмайди. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг қарори бажарилмади. Агар ҳарбий куч билан демократик давлат қуриш мумкин бўлганида шу пайтгача ер юзида битта ҳам нодемократик давлат қолмаган бўларди. Бу ерда ҳақиқат манфаатнинг қурбони бўлди.

Ўтган бир йил мобайнида мен ҳақиқатга муносабатнинг бошқа кўринишини кузатдим. Бутун йил давомида Шимолий Корея билан Эронда оммавий қирғин қуроллари ишлаб чиқарилиши мумкинлиги ҳақида шов-шувлар бўлиб турди. Кутилмаганда Шимолий Кореянинг расмий вакиллари даъвогарларни лол қолдириб, бизда ядро қуроли бор, қўлларингдан келганини қилинглар, дегандай баёнот беришди. Ҳамма энди алғов-далғов бошланади, кескин чоралар кўрилади деб ўйлаган эди, акси бўлди, даъвогарлар ўз овозлари оҳангини ўзгартириб муносабатда ҳам ана шундай стандартлар қўлланилди. Натижада ғарбдаги сиёсатдонлар Ўзбекистон ҳукумати кўрган чора-тадбирларни Россия, Хитой, Ҳиндистон, Покистон ва Марказий Осиёдаги бошқа давлатлар қўллаганлигини кўриб узоқ вақт ўзларига кела олмадилар. Улар бу масалада ҳали ҳам ўзларига келганлари йўқ. Аксинча, Мўғилистондаги «рангли инқилоб»нинг муваффақиятсизлигидан энсалари қотишяпти. Агар иккита буюк давлат ўртасидаги мамлакатда инқилоб ғалабаси таъминланса борми, бу йилойимроқ бўлиб қолишди. Аксинча, бундай қуролимиз йўқ, ядро энергетикасидан тинчлик мақсадларида фойдаланмоқчимиз, деган Эронга нисбатан тазйиқ кучайди. Демак, Шимолий Корея йўқ нарсани бор деб, яъни ёлғон гапириб ютди. Эроннинг ҳақиқати эса ўзига ўқ бўлиб қайтди. Бу ерда муносабат ҳақ сўздан устун келди.

Муносабат билан боғлиқ яна бир ҳақиқат. Ўтган йили Исроилнинг расмий доиралари бир эмас, бир неча марта Эронни бомбардимон қилиш кераклиги ҳақида баёнотлар беришди. Жаҳонда жимжитлик, Европа Иттифоқида ҳам сокинлик. Баъзи ҳарбий ва сиёсий арбоблар ҳатто Эронга тезроқ уруш бошланмаётганидан афсус-надоматлар чекишди. Энди йилнинг охирига келиб, Эроннинг янги раҳбари Исроилни ер юзидан супуриб ташлаш кераклиги ҳақида баёнот берган эди, бутун Европа, биринчи навбатда Европа Иттифоқи гумбурлаб кетди. Унинг акс-садоси ҳали ҳам эшитилиб турибди. Ана энди бу масалага холис ёндошиб кўрайлик. Бир давлат ер юзидан бомбардимон билан йўқ қилинди-ю ёки супуриб ташланиб йўқ қилинди — фарқи нимада? Ҳеч қандай фарқи йўқ, ҳар иккаласи ҳам тажовузкорона баёнот. Фарқи шундаки, Европа Иттифоқи биринчисига эътибор ҳам бермади, иккинчисига эса чидаб туролмади. Доим ҳақ сўзга даъвогарлик қиладиган бу халқаро ташкилотда ана шундай турланиб-тусланиб турадиган стандартлар бор.

Андижон воқеаларига муносабатда ҳам ана шундай стандартлар қўлланилди. Натижада ғарбдаги сиёсатдонлар Ўзбекистон ҳукумати кўрган чора-тадбирларни Россия, Хитой, Ҳиндистон, Покистон ва Марказий Осиёдаги бошқа давлатлар қўллаганлигини кўриб узоқ вақт ўзларига кела олмадилар. Улар бу масалада ҳали ҳам ўзларига келганлари йўқ. Аксинча, Мўғилистондаги «рангли инқилоб»нинг муваффақиятсизлигидан энсалари қотишяпти. Агар иккита буюк давлат ўртасидаги мамлакатда инқилоб ғалабаси таъминланса борми, бу йигирма биринчи аср бошидаги «мўъжиза» сифатида тарихдан жой оларди. Бугунги ҳақ сўз шуки, ғарбдаги айрим сиёсий кучлар ўзгаларнинг тузумларини, ҳукуматларини, сиёсатларини ўзгартириш билан жаҳонга ҳукмронликни даъво қилмоқдалар. Бугунги ҳақ сўз шуки, Европа қадриятлари, ғарбнинг турмуш тарзи ҳамма нарсадан устун қўйилмоқда. Бугунги ҳақиқат шуки, «рангли инқилоб»лар шарпаси Россия атрофида ва унга яқин муносабатда бўлган давлатлар орасида изғиб юрибди.

Инқилобнинг асорати қай даражада жиддий эканлигини Украина мисолида кўриб турибмиз. Агар ҳақ сўзни айтадиган бўлсак, бу мамлакатни нафақат иқтисодий танглик, балки сиёсий танглик ҳам ҳолдан тойдирмоқда. Президент билан парламент ва ҳукумат билан парламент ўртасидаги муносабатларга дарз кетди. Бошқарув бўғинларидаги инқироз, сўзсиз, мамлакат иқтисодига, қолаверса, аҳолининг турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатади. Ғарб дунёси, аввало, Европа Иттифоқи Украинага иқтисодий ёрдам беришдан кўра кўпроқ сиёсий маслаҳатлар беришни афзал деб билмоқда.

Европалик сиёсатдонлар Украина билан Россия ўртасида газ масаласида пайдо бўлган низо нима билан тугар экан, барҳам топармикан ёки газак олиб кетармикан, деб кутишди. Агар газак олиб кетса, Россияга қандай тамға босишни ўйлаб ҳам қўйишди чоғи. Яхшиямки, муроса йўли топилди. Бироқ, бу йўл ҳукуматга маъқул бўлгани ҳолда парламентга ёқмади. Чунки, газ нархи олдингига қараганда барибир икки баравар қимматлашди. Бошқа иложи бўлмади. Ташқи сиёсатда шундай: мамлакатнинг ички қонуниятида олдин иқтисод, кейин сиёсат юрса, ташқи сиёсатда аксинча, оқилона сиёсат иқтисод учун йўл очади. Путин — Юшченко муносабатларида ана шундай ҳолат кузатилди. Бироқ Украинада муҳолифатнинг ҳукумат билан муроса қилиш нияти йўққа ўхшайди. Буни парламентдаги вазият кўрсатиб турибди.

Ҳозир жаҳонда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ҳақ сўз нуқтаи назаридан ёндошадиган бўлсак, Ариэл Шароннинг оғир бетоблиги билан боғлиқ ҳолат ҳамда бундан кейин Исроилда қайси партия ва кимлар етакчилик қилишлари мумкинлиги ҳақидаги тахминлар тўғрисида тўхталиб ўтмасак бўлмайдиган кўринади. Илгари Ёсир Арафот бетоблиги пайтида Фаластинда юз берган ҳолат ҳозир Исроилда кузатилмоқда. «Ликуд» партиясига дарз кетди. Шунинг учун Нетаняху тарафдорларининг сайловда кўп овоз олиб ҳукуматга келишларига ишониш қийин. Ҳозирча Шарон тузган янги партия — «Кадима»чилар ғалабасига ишонч бор. Бироқ мазкур партия етакчиларидан бири, ҳозир бош вазир вазифасини бажараётган Эҳуд Ольмерт сиёсатда танилган арбоб эмас. Аммо унга таниқли давлат арбоби, Нобель мукофоти лауреати Шимон Переснинг обрўси ёрдам бериши мумкин. Чунки, у «Кадима» партиясини Ариэл Шарон билан бирга тузди ва улар битта мақсадни кўзлаб иш бошлаган эдилар. Агар сайловда «Кадима» тарафдорлари кўп овоз олиб, кнессетда кўп ўринга эга бўлсалар, шубҳасиз, янги ҳукумат тузишда Перес — Ольмерт иттифоқи яхши натижа беради. Шунда Ариэл Шарон бошлаган ишни давом эттириш мумкин бўлади.

Дунё сиёсатини кузатиб борсангиз, ҳайрат ва қизиқишингиз ошиб, айтадиган ҳақ сўзларингиз ҳам кўпайиб бораверади. Сиёсат шундай нозик санъатки, қаерда ҳақ сўз айтилиб, қаерда ёлғон аралашиб қолаётганини англай олмайсиз. Сиёсат шундай маккор кучки, қаерда муроса бошланиб, қаерда манфаат тугашини билмайсиз. Сиёсат шундай ўйинки, қаерда олқиш олиб, қаерда алданиб қолганингизни сезмайсиз. Шунинг учун сиёсат зўрман деган ҳар қандай сиёсатчини ҳам довдиратиб қўяди. Алексей Косигин Вьетнамдан қайтаётиб рухсатсиз Пекинга қўнганида, Евгений Примаков АҚШга учиб бориб қўнмасдан орқага қайтганида, Никита Хрушчев БМТ минбарида туриб ботинкаси билан столга урганида шундай аҳволга тушган эдилар.

Бугунги кунда сиёсатчини шундай аҳволга солаётган ҳолатлар йўқ дейсизми? Бор. Бўлганда ҳам кўп. Яқинда Жанубий Америкадаги бир неча мамлакатлар раҳбарлари Каракасда тўпланиб, қачонгача бизнинг орамизга бузғунчилик уруғини сочади, деб бир зўравон давлатдан зорланишди. Ўтган ҳафтанинг охирида Аҳмадинажот бутун дунёга мурожаат қилиб, нега ҳаммага мумкин бўлган атом энергияси фақатгина Эронга мумкин эмас, деб ўзининг ҳақ сўзини айтди. Халқаро ҳаётдан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Умуман, биров қурол сотиб олиши, бомбага эга бўлиши, самолёт харид қилиши, нефтини сотиши, халқаро алоқаларда эркинлик ва имтиёзга эга бўлиши, халқаро ҳуқуқ меъёрларидан бемалол фойдаланиши мумкин, бошқа биров эса бўларнинг ҳаммасидан маҳрум. Ана сизга халқаро ҳаётдаги ҳақиқат. Ўзингиз хулоса чиқаринг.

Иброҳим НОРМАТОВ,
сиёсий шарҳловчи

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 17 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	895,79	1 Польша злотийси	377,77
1 Англия фунт стерлинги	2105,87	1 СДР	1714,09
1 Дания кронаси	193,21	1 Туркия лираси	886,70
1 БАА дирхами	322,66	1 Швейцария франки	930,05
1 АҚШ доллари	1185,07	1 ЕВРО	1141,16
1 Миср фунти	207,00	10 Жанубий Корея вони	12,06
1 Исландия кронаси	19,46	10 Япония иенаси	103,74
1 Канада доллари	1022,05	1 Россия рубли	41,62
1 Хитой юани	146,96	1 Украина гривнаси	234,67
1 Малайзия рингити	317,21		

** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

Сифатли маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар сонининг кўпайиши — нафақат маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишмас, балки қўшимча иш ўринлари яратишда ҳам ҳал қилувчи омилдир. Буни «Малика» очиқ турдаги акциядорлик жамияти фаолиятида яққол кўриш мумкин.

Корхона ишлаб чиқараётган тикув-трикотаж маҳсулотлари ички ва ташқи бозорда аллақачон ўз ўрнини топди. 300 нафардан ортиқ малакали ишчи-хизматчилар меҳнат қилаётган корхона бугунги кунда республикамиз божхона қўмитаси ва чегара қўшинлари буюртмачиларидир. Хорижий давлатлардан — Жанубий Корея яқинда 100 минг долларлик трикотаж маҳсулотлари олиш тўғрисидаги шартномага имзо чекди.

Эришилаётган ютуқларда меҳнат аҳлига яратилган қулай иш шароитлари ва ижтимоий муҳофаза тадбирлари катта аҳамият касб этмоқда. Барча цехлар иш унуми юқори замонавий технология ускуналари билан жиҳозланиб, ишчи-хизматчиларнинг дам олишлари ва саломатликларини тиклашлари учун зарур шарт-шароитлар муҳайё. Корхонанинг Бўстонлиқдаги кўркам гўша — «Хумсон»да жойлашган ўз санаторийси доим улар хизматида.

Суратларда: *тикувчи Севара Халилова; тайёр маҳсулотлар.*

Носир ҲАЙДАРОВ олган суратлар

XORIJDA

✓ ФИНЛЯНДИЯ

Мамлакатда президент сайловлари бўлиб ўтди. 2000 йилдан бери давлатни бошқариб келаётган, амалдаги президент Тарьа Халонен хоним энг кўп овоз олишга муваффақ бўлди. Аммо президентликка сайланиш учун керакли бўлган 50 фоизлик овозни ололмади. Унинг рақиблари ҳам бундай бахтга эришолмади.

29 январь куни сайловнинг иккинчи тури ўтказилади.

Сайлов бюллетенлари ҳисоб-китоби билан таништирамиз:

Социал-демократик партиядан номзоди қўйилган, амалдаги президент, 62 ёшли Тарьа Халоненга 46,4 фоиз, Консерватив коалиция партиясидан номзод, собиқ молия вазири, ҳозирги кунда Европа инвестиция банки вице-президенти Саули Ниинистога 24 фоиз, Центристлар партиясидан номзод, Финляндия бош вазири Матти Ванханенга эса 18,7 фоиз сайловчи овоз берган. Шу уч номзод иккинчи тур сайловларида ҳам иштирок этади. Қолган номзодлар эса 1 дан 3 фоизгача овоз ололган холос. Шунинг учун кейинги турга чиқишолмади.

Таъкидлаш лозимки, сайловчиларнинг сайловда иштирок этишдек конституциявий ваколатидан фойдаланиши ўта паст даражада қайд этилди. 2000 йилги сайловларда аҳолининг 76,9 фоизи қатнашган бўлса, бу сафар атиги 58,6 сайловчи овоз бериш учун сайлов участкаларига чиққан.

Финляндияда 5 миллионга яқин аҳоли яшаётган бўлса, шундан 4,3 миллионга яқини овоз бериш ҳуқуқига эга, дейилади мамлакатнинг «YLE» телерадиокомпанияси ахборотида.

✓ ҚУВАЙТ

Қувайтда якшанба куни давлат раҳбарини дафн этиш маросими бўлиб ўтди. У шу куни эрта тонгда дунёдан кўз юмганди. Амир Жобир ас-Сабоҳ 77 йил умр кўрган бўлса, шундан 28 йилини мазкур кичкина, лекин бой давлат бошқарувига бағишлади.

Унинг тўлиқ исми-шарифи Жобир ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ бўлиб, 1928 йил июнда Ал-Қувайт шаҳрида таваллуд топган. У мамлакатни икки ярим асрдан бери бошқариб келаётган ас-Сабоҳлар сулоласининг ўн учинчи авлодидир.

У сиёсий ҳаётини губернаторликдан бошлади. Сўнг давлат хавфсизлиги хизматини бошқарди, молия ва саноат вазири бўлди. 1965 йилда бош вазирлик курсисига ўтирди ва тахт вориси мақомини олди. 1977 йил охирида эса Қувайт амири, яъни давлат раҳбари бўлди. Ушбу лавозимда у кўп кўргиликларни бошидан кечирди: ҳаётига таҳдид, уруш, қувғинлик даври ва мамлакатга зафар билан қайтиш.

1985 йили у кетаётган кортеж портлатилган, яхшики, амирга шикаст етмаган. Эрон — Ироқ уруши даврида Қувайт Бағдодга молиявий ёрдам кўрсатди, лекин эвазига Ироқнинг ўша пайтдаги президенти Саддам Ҳусайндан азият кўрди. 1990 йили Ироқ қўшинлари Қувайтга бостириб кирди. Натижада амир Саудия Арабистонидан сиёсий бошпана топишга мажбур бўлди.

Американинг «Сахродаги бўрон» операциясидан сўнг, яъни етти ойдан кейин озод этилгач, Қувайтга қайтди. Саноқли йилларда мамлакатда юқори ҳаёт даражаси тикланди. Бугунги кунда бир оила 4-5 та автомобилга эга.

Тўғри, бу давлат нефть конларига бой. Дунёдаги нефть заҳираларининг 10 фоизи шу кичик мамлакат ҳудудида жойлашган. Бироқ ундан тўғри фойдаланиш, ишлаб чиқаришга тўғри йўналтира билиш лозим.

Мамлакатда «Келажак авлод жамғармаси» ташкил этилган. Нефть экспортидан келаётган фойданинг 10 фоизи шу жамғармада тўпланади. Қачонлардир, балки 100 йиллардан кейин, «қора олтин» захираси тугагач, келажак авлод шу маблағлар эвазига яшайди.

Бундан 5 йил аввал Жобир ас-Сабоҳ инсультни бошидан ўтказган. Ўшандан бери омма билан муносабати камайди. Мамлакатни эса бош вазир, шайх Сабоҳ ас-Сабоҳ бошқариб келди.

Якшанба куни Қувайт амири деб эълон қилинган, тахт вориси Саъд ал-Сабоҳ ҳам 70 ёшни қаршилаган. Унинг ҳам соғлиғи бироз суст. Шунинг учун, — дейилади Россиянинг «НТВ» телеканали хабарида, — мамлакатни бошқариш яна бош вазир зиммасига тушади.

✓ ЧИЛИ

Чилида президент сайловининг иккинчи тури бўлиб ўтди. Унда Сўл центристлар коалицияси вакили, 54 ёшли Мишел Бачелет ғолиб чиқди.

У нафақат Чили, балки Жанубий Америка тарихида давлат бошқарувини қўлга киритган биринчи аёлдир.

Унинг рақиби — Миллий тикланиш партияси вакили, 56 ёшли мультимиллионер Себастьян Пиньера сайловнинг расмий натижалари эълон қилинмай турибқ, ўзининг мағлубиятга учраганини тан олди.

Чили Ички ишлар вазирлигидан маълум қилишларича, сайлов бюллетенларининг 97,52 фоизи ҳисоб-китоби шуни кўрсатдики, Бачелет учун 53,51 фоиз сайловчи овоз берган. Унинг рақибини эса 46,48 фоиз сайловчи қўллаб-қувватлаган.

Иқтисодиёт ва ислоҳот

БУГУНИ ТЎКИС, ЭРТАСИ ҲАМ...

«СУРХОНОЗИҚОВҚАТСАНОАТИ» ОАЖда АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИЖОБИЙ ИШЛАР ХУСУСИДА

Аввалари жамиятнинг кунжара, шелуха омборлари атрофи одамлар билан тўлиб кетар ва юк машиналари, трактор тиркамалари шовқини оламни бузарди. Устига-устак, ҳайдовчилар, қишлоқ хўжалик корхоналарининг вакиллари навбат талашиб, жанжаллашиб ҳам қолишарди. Корхона раҳбари, ўринбосарлари, омбор мудирлари ҳузури мижозлар «ғалва»хонасига айланарди.

Тўғри, корхонада бундай «манзара»ни бартараф этиш учун илгари ҳам уринишлар бўлган. Ёғ-мой, шелуха ва шротни хўжаликларга, фермерларга етказиб бериш учун жойларда махсус базалар ҳам ташкил қилинганди. Лекин вилоят марказлашган таъминот тармоғи ва унга қарашли туманлардаги омборлар мутасаддилари ўзларига топширилган вазифаларни етарли даражада бажара олмади.

Шу боис, масала Вазирлар Маҳкамасида жиддий кўриб чиқилиб, тегишли тавсиялар берилди. «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси кенгаши тадбирлар ишлаб чиқиб, барча корхоналар раҳбарлари зиммасига вазифалар юклади ва ижросини назоратга олди.

Яқинда «Сурхонозиқовқатсаноати» очиқ акциядорлик жамиятида бўлиб, белгиланган вазифалар борасида амалга оширилган ишлар билан таништик.

— Вилоятимизнинг 14 туманида ширкат ва фермер хўжаликларига ёғ, совун, шелуха ва шрот етказиб берувчи шохобчалар ташкил этдик, — дейди **вилоят марказлашган таъминот базаси бошлиғи Асқарали Менгниёзов.** — Энди аввалгилардек, ҳеч қандай шовқин-сурон ҳам, жанжал ҳам йўқ. Маҳсулотлар шохобчаларга вақтида етказиб бериляпти. Тоғлик Сариосиё туманида бир эмас, икки шохобча ишлаб турибди. Чунки, туманнинг тоғолди ҳудудлари аҳолиси марказдаги шохобчадан 120 километр йўл босиб келиб, маҳсулот олиб кетишининг ўзи бўлмайди. Ширкатларнинг аъзолари, фермерлар узоғи яқин бўлганидан хурсанд. Ҳисобида пули бор одам бенасиб қолмайди...



Дарвоқе, туман шохобчасида бўлиб, катта-катта цистерналарда пахта ёғи, полиэтилен идишларда эса 1-2 литрли эҳтиёжталаб маҳсулотлар, шунингдек, совун, шелуха, кунжара бисёр эканлигини кўрдик. Фермерлар ўзларига тегишли маҳсулотларни пешма-пеш олиб кетишяпти.

«Нурулло ҳожи» фермер хўжалиги раҳбари Фатхулло Сафаров:

— Илгари ўзимизга тегишли бўлса-да, маҳсулот олиш азоб эди. Бир неча ўн километрлаб йўл босиб заводга борардик, ҳафталаб навбат кутардик. Транспорт харажатини айтмайсизми? Энди эса ўзгача манзара: шохобча ёнимизда, навбат деган «маш-маша» йўқ. Иброҳим Қосимов бош бўлган шохобча ходимлари хушмуомала, тезкор...

Бу фикрга «Зарафшон» фермер хўжалиги сардори Фахриддин Эрниёзов, «Шоҳрух» фермер хўжалиги бошлиғи Тўлқин Абдуллаев, «Маликбобо» фермер хўжалиги раҳбари Бибиойша Қодировалар ҳам қўшилишди.

Денов, Узун, Шўрчи, Қумқўрғон, Шеробод, Термиз, Бандихон ва бошқа туманлардаги шохобчалар учун ажратилган масканлар сўнгги пайтларда яхши таъмирдан чиқди. Тош-тарозилар шай. Яқин вақт ичида уларга компьютерлар ўрнатиш ҳам режалаштирилган.

Ҳар бир шохобчада ширкат ва фермер хўжаликларига пахта мойи, шелуха ва шрот маҳсулотлари етказиб бериш графиги ишлаб чиқилган. «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси томонидан тақдим этилган техник чигит миқдоридан келиб чиқиб, шохобчаларга бириктирилган хўжаликларнинг аниқ рўйхати тузилган ва маҳсулот етказиб бериш муддатлари белгиланган. Товар тарқатиш жараёнидаги сунъий тўсиқлар ва тақчиллиқни вужудга келтирувчи ҳамда одамлар норозилигига сабаб бўлувчи ҳолатлар олди олинди, керак бўлса, айбдорларга кескин қонуний чоралар кўриш юзасидан таъминотчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи йўриқномалар тайёрланди.

Ҳозир корхона ўз тасарруфидаги 84 та ширкат, 4120 фермер хўжалигига ва 39 та бошқа хўжалик юритувчи субъектларга хизмат кўрсатмоқда. Вилоят «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси маълумотларига кўра, корхонага 2005 йилги пахта ҳосилидан 120,3 минг тонна техник чигит етказиб берилди. Корхона ишчи-хизматчилари ҳам ўз навбатида истеъмолчиларга ўтган йил декабрь ойи ярмигача 117 тонна истеъмол ёғи, 681 тонна шрот ва 861 тонна шелуха сотишди.

Аслини олганда, корхона вилоятда салмоқли ўринга эга. Кўп йиллардан бери ҳудудда етиштирилган пахта чигити шу ерда қайта ишланади ва улардан ўсимлик ёғи, кунжара, шрот, хўжалик совуни каби маҳсулотлар тайёрланади. Шу боис, вилоят аҳли дастурхони тўкинлиги бу ерда мазкур корхона қандай ишлаётганлиги билан боғлиқ.

Шу ўринда яна бир гап: кейинги йилларда бу ерда раҳбарлар қўнимсизлиги вужудга келганди. Малакали ишчи-хизматчилар, ҳатто тажрибали мутахассислар қувғинга учраган пайтлар ҳам бўлди. Ниҳоят бир ярим йиллар аввал ёш мутахассис Шавкат Жамолов жамият раислигига сайланди-ю, аҳвол ўзгара бошлади. У мутахассисларни яна ўз иш жойларига чорлади. Оқсоқоллар билан маслаҳатлашди... Ўтган йилнинг дастлабки 6 ойи ичида 5 ярим млрд. сўмликдан зиёд турли халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Энг муҳими, сифат кўрсаткичлари жаҳон андозалари талабларига мослашиб, рақобатбардош, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди. Уларни нафақат ўзимизнинг ички истеъмолчиларга, балки хорижий мамлакатларга ҳам етказиб бериш йўлга қўйилди. Жумладан, ўтган йил давомида қарийб 2 млн. АҚШ доллари миқдорида истеъмол ҳамда экстракция ёғлари қўшни Тожикистон, Афғонистон Республикаларига экспорт қилинди.

— Яқинда қўшни Афғонистон Республикаси истеъмолчиларидан яна буюртма олдик, — дейди **жамият бошқаруви раисининг иқтисодий масалалар бўйича ёрдамчиси Абдусалом Шоймардонов.** — Илгари фақат пахта ёғи ишлаб чиқариш билан кифояланардик. Кейин 400 граммли совунлар ишлаб чиқаришга ҳам киришдик. Шундан сўнг афғонлар хўжалик совунимизга қизиқиб қолишди ва 250 граммли совунлардан кўплаб етказиб беришимизни сўрашди. Бунинг учун Тошкентдаги «Шарқ интерпрайзес» фирмасидан махсус дастгоҳлар келтирдик. Янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ янги цехимиз маҳсулот бера бошлади. Бу ускунанинг афзаллиги шундаки, у турли ўлчамда ва турли миқдордаги маҳсулот тайёрлаши мумкин...

Ўтган йили корхонада каттагина ҳажмда таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Эскирган дастгоҳлар ва асбоб-ускуналар янгиланди. Цехлар таъмирланди. Янги лабораториялар фойдаланишга топширилди. Айни пайтда четдан қўшимча эҳтиёт қисмлар ва материаллар келтирилмасдан омборлардаги мавжуд ускуналардан тежам билан фойдаланилмоқда.

Шунингдек, жамият бундан 2 йил аввал қарздорлик ботқоғига ботганди. Бугунга келиб 1,5 млрд. сўмлик кредиторлик қарзлари узилди. Йил — 120 млн. сўмлик соф фойда билан якунланди.

Корхона ишлаб чиқаришни модернизациялаш йўлидан дадил бормоқда. Масалан, бир неча йил аввал бир литрли полиэтилен идишларга қиздирилган ва тозаланган ёғ қуйиш цехи ишга туширилганди. Бу маҳсулот ҳам ҳозир хорижда ўз харидорини топди. Яқинда қўл урилган хайрли ишлардан яна бири — бу ерга ўсимлик мойини 5 литрли полиэтилен идишларга қуйиш технологияси олиб келинди. Монтаж ишлари қисқа муддатда амалга оширилиб, цех конвейеридан дастлабки маҳсулот чиқа бошлади ҳам.

Корхона акциядорлари ўзаро кенгашиб, эскириб қолган пресс дастгоҳлари, қозонхоналар ҳамда редукторларни янгилашга қарор қилишди. «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси ташаббусни қўллаб-қувватлади: корхонага 300 млн. сўм миқдорида инвестиция ажратилиши кўзда тутилди.

Қисқасини айтганда, «Сурхонозиқовқатсаноати» очиқ акциядорлик жамияти ишчи-хизматчилари **«Хомийлар ва шифокорлар йили»**да ҳам иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириб, кўплаб сифатли ва экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришга бел боғлашган.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Одатда, биз кам овқат ейиш камқонликка олиб келади, деган тасаввурга эгамиз. Яқинда зиёли, ўзига тўқ оила бекаси: «Рўзғоримизда тўкин-сочинлик, аммо фарзандларимнинг қулоғидан кун кўринади, овқатга инжиқ, чимхўр, дўхтир учала болангиз ва ўзингиз ҳам анимияга чалингансиз деяпти», деб шикоят қилиб қолди...

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, дунёдаги эмизикли болаларнинг 43 фоизи организмда темир етишмовчилигидан камқонликка чалинган.

Ўзбекистонда ўтказилган тиббий демографик текширишлар натижасига кўра, темир танқислиги камқонлиги даражаси оналар ва болаларда 60-61 фоизни ташкил этади. Аёлларимизнинг 0,9 фоизи камқонликнинг оғир шакллари билан, 14,2 фоизи ўрта оғирликдаги ҳамда 45,3 фоизи хасталикнинг енгил шакллари билан оғриганлиги аниқланган. Болалар орасида бўлса, касалликнинг ўтиш даражасига қараб 1,2 фоиз ва 25,6 ҳамда 34 фоизгача етганлиги кузатилади.

Кўриниб турибдики, аҳвол қониқарсиз. Дарҳақиқат, нега болалар камқонликка чалинади? Фарзандларимизни қандай қилиб бу касалликдан сақлашимиз мумкин? Бу борада озиқ-овқатнинг қандай аҳамияти бор?

Тошкент тиббиёт академияси «Болалар ва ўсмирлар гигиенаси» кафедраси мудири, тибиёт фанлари доктори, профессор Гули ШАЙХОВА билан суҳбатимиз шу ҳақда.

БОЛАЛАРНИНГ ОВҚАТЛАНИШ МАДАНИЯТИ

ЁКИ ОРГАНИЗМДА ТЕМИР ТАНҚИСЛИГИ ТУФАЙЛИ КЕЛИБ ЧИҚУВЧИ КАМҚОНЛИКНИ ҚАНДАЙ БАРТАРАФ ҚИЛИШ ХУСУСИДА

— Нима сабабдан болаларда темир танқислиги оқибатида келиб чиқувчи камқонлик касаллиги пайдо бўлади?

— Аслида бола организмида темир танқислиги кўп тарқалган камқонлик шаклларидан бири. У инсон яшаши учун зарур бўлган темир моддасининг озиқ-овқат маҳсулотлари орқали кам миқдорда қабул қилиниши туфайли келиб чиқади.

Одатда, темир танқислиги оқибатида юз берадиган камқонлик ҳолати организмда темир, витамин B_{12} ва оқсилнинг камлиги, сифатли овқатланмаслик, сурункали қон йўқотишлар, тез-тез ҳомиладор бўлиш, туғиш, интенсив ўсиш, бир сўз билан айтганда, овқатланиш маданиятининг пастлигидан келиб чиқади. Болаларда туғилиш вақтидаги темир танқислиги ҳолати кўп ҳолларда яширин шаклда ривожланади.

Биламизки, ҳомиладорлик даврида тахминан 600-900 мг. темир онадан болага ўтади, агар она организмида етарлича темир захираси бўлмаса, она қорнида ривожланаётган, ўсиб борувчи чақалоққа касаллик ўтади.

— Биз баъзан камқонлик кам овқатдан деб ўйлаймиз? Болаларимизни бу касалликдан сақлаш учун нималарга эътибор беришимиз керак?

— Одамлар орасида, айниқса, қишлоқ аҳолиси ўртасида «яхши овқатланиш», «тўғри овқатланиш», «рационал овқатланиш» тушунчаларининг фарқига бормаслик ҳолати кузатилади, улар буни тўйиб тановул қилиш деб билишади. Ваҳоланки, бу тушунчалар бир-биридан фарқланади.

Келинг, темир танқислиги камқонлигининг олдини олиш учун қандай овқатланиш хусусида тўхталиб ўтайлик. Кунига 70 грамм тайёр гўшт ва 100 грамм тайёр балиқ маҳсулотини истеъмол қилиш катта ёшдаги одамларнинг



кунлик темир моддасига бўлган эҳтиёжини қондиради.

Аҳолининг маълум гуруҳларини (болалар, ўсмирлар, ҳомиладор аёллар ва бошқаларни) таркибида темир моддаси бор дорилар билан таъминлаш керак. Нон ёпишга ишлатиладиган унни темир билан бойитиш (овқат маҳсулотларини фортификациялаш) зарур.

Шуни ёдда тутиш керакки, темир манбаи бўлган овқат маҳсулотларининг миқдори эмас, организмда қандай «сўрилиши» муҳимдир. Масалан, ҳайвон ва қушларнинг гўшти, гўшт маҳсулотлари темирнинг яхши манбаидир. У қон ва мушакларда яхши сўрилади. Донли маҳсулотлар, сабзавотлар, фосфот, фитинлар, шовул кислотаси темирнинг сўрилишига тўсқинлик қилади. Бу маҳсулотларга гўшт, балиқ қўшиб болаларга берилса, организмда темир яхши ўзлаштирилади, тухум аралашса ёмонлашади. Қаҳва, какао, чой таркибидаги танин ва фосфатлар темир сўрилишига «қарши»лик қилади.

Дуккакли (ловия, мош, нўхат, жўхори) ва кўкатлар (кўкпиёз, шивит, салатлар) болаларга жуда фойдалидир. Бундай озиқ-овқатларни тухум, хомсут, чой, қаҳва, какао билан қўшиб истеъмол қилиб бўлмайди. Чунки чой темирнинг сўрилишини 50 фоиз, қаҳва 40 фоизгача сусайтиради. Одатда биз, айниқса, болаларга чой ва қаҳвани овқатдан 30-40 дақиқадан сўнг ичиришга ўрганишимиз керак.

Болалар организмида темир танқислигининг олдини олишда энг қулай, арзон усул — премикс деб аталувчи темир, рух, В гуруҳ витаминлари билан бойитилган ун ва дон маҳсулотларини истеъмол қилишдир.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда буғдой унини микроэлементлар билан бойитишдан мақсад ҳам шу. Қолаверса, премикс билан бойитилган уннинг ҳиди, ранги, мазаси ўзгармайди. Уни ҳамма ёшдаги одамлар истеъмол қилиши мумкин.

Мутахасар айтганда, инсон, айниқса, болалар организмида камқонликнинг олдини олиш учун тўғри овқатланиш ва темир сўрилишини таъминлашга ҳамда патологик темир йўқотишни камайтиришга эътибор қаратилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Зеро, фарзандларимизнинг соғлом ҳаёт кечириши, шажарамизнинг софлиги ҳар биримизнинг тиббий савиямизга, айниқса, овқатланиш маданиятимизга боғлиқдир.

Суҳбатдош: Саида САЙХУН, «Ўзбекистон овози» мухбири

Тадбир

ЯНГИ РЕЖАЛАР

«Экосан» халқаро ташкилотида 2006 йил «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да амалга ошириладиган ишлар юзасидан фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда таъкидланишича «Экосан» халқаро ташкилоти ўтган «Сиҳат-саломатлик йили» дастурига мувофиқ самарали фаолият олиб борди. Жумладан, ҳисобот даврида кўрсатилган инсонпарварлик ёрдамларининг миқдори 346 миллион 940 минг сўмни ташкил этди.

Давлат дастурига асосан бевосита «Экосан» ташкилотчилиги билан вазирлик ва идоралар ҳамда ҳокимликлар иштирокида «Саноат чиқиндилари ва аҳоли саломатлиги» дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилди. Унга асосан чиқиндиларни махсус жойда йиғиш ва ўз вақтида олиб кетиш йўлга қўйилди, чиқинди ташиш техникаси харид қилинди. Бу ишларни амалга ошириш учун катта миқдорда маблағ сарфланди.

Шунингдек, Олмалиқ ва Навоий тоғ-металлургия комбинати билан ҳамкорликда «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш» дастури ишлаб чиқилиб, у амалиётга жорий этилди.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да эса аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи, санитар-гигиеник ва экологик билимларни тарғиб қилувчи «Энг яхши оилавий поликлиника», «Энг ибратли участка шифокори», шунингдек юқумли касалликлар шифохоналари орасида «Санитар-гигиеник ва экологик маданияти юқори шифохона» ва бошқа республика кўрик-танловларини ўтказиш кўзда тутилган.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири

Спорт

ФУТБОЛИМИЗ ЮЛДУЗИ

МИРЖАЛОЛ ҚОСИМОВ ШУ ЙИЛ 22 ФЕВРАЛЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН — БАНГЛАДЕШ ТЕРМА ЖАМОАЛАРИ УЧРАШУВИДАН СЎНГ...

Ўзбекистон миллий терма жамоаси сардори Миржалол Қосимов йигирма йиллик фаолиятидан сўнг, катта футбол билан хайрлашишини маълум қилди, деб хабар беради Ўзбекистон Футбол федерацияси ахборот-таҳлил бўлими. Моҳир футболчи мамлакат миллий терма жамоасида илк учрашувини 1992 йилда ўтказган эди. Жаҳон чемпионати саралаш босқичининг 2005 йил 12 октябрь куни Манамада Бахрайн футболчиларига қарши уюштирилган плей-офф баҳси ҳозирча унинг терма жамоа таркибидаги сўнгги ўйини бўлиб турибди.

ЎФФ футболимиз юлдузи Миржалол Қосимовни тантанали кузатиш ташаббуси билан чиқди. Унга кўра, моҳир спортчимизнинг катта футбол билан хайрлашиш тадбири шу йил 22 февралда уюштирилади. Шу куни Тошкентда Ўзбекистон — Бангладеш терма жамоалари учрашуви бўлиб ўтади. Миржалол Қосимов навбатдаги Осиё чемпионати саралаш баҳсларини бошлаб берувчи мазкур ўйинда мамлакатимиз бош жамоасини сардор сифатида майдонга олиб чиқади. Ушбу учрашувда Қосимов ўз имконияти доирасида, истаса тўқсон дақиқа ёки бўлмаса, айтайлик беш дақиқа ўйнайди. ЎФФ мазкур ўйин Ўзбекистон миллий терма жамоаси таркибида энг кўп — 67 учрашув ўтказган Миржалол учун унутилмас дамлар ҳадя этишига ишонч билдирмоқда. Ҳақиқатан ҳам бу баҳсда Бангладеш футболчилари дарвозасига киритиладиган голлардан бири айнан Миржалол Қосимов ҳисобига ёзилса, бу терма жамоа сардори ва ишқибозлар учун ажойиб байрамга айланиб кетиши шубҳасиз.

Шунингдек, ЎФФ маҳоратли футболчининг хайрлашув маросимини муносиб нишонлаш мақсадида шу йилнинг ёзида Қосимов жамоадошлари ва Осиё терма жамоаси ўртасида учрашув уюштиришни режалаштирмоқда.

— Мен футболни бутунлай тарк этмоқчи эмасман, — дейди Миржалол Қосимов. — Фақат яшил майдондан кетишга аҳд қилдим. Футболчи сифатида ниятларимга эришдим. Энди мураббийлик соҳасида ўзимни синаб кўрмоқчиман.

Дарҳақиқат, ўттиз беш ёшли Миржалол Қосимов ўзбек футболи тарихида ўчмас из қолдирди. У ўзининг охирги мавсумини ўтган йилги чемпионат кумуш медали совриндори Муборакнинг «Машъал» жамоасида ўтказди. Мазкур футбол клуби таркибида олтита тўп муаллифи бўлган Миржалол олий лигадаги сўнгги учрашувида ўтган йил 7 ноябрда «Қизилқум» (Зарафшон) жамоасига қарши майдонга чиққанди.

— Аслида Германия яшил майдонларида тўп суриб, сўнгра катта футболдан кетмоқчи эдим, — дейди у. — Бироқ жаҳон чемпионати финал босқичида қатнашиш пешонамга ёзилмаган экан. Янги мавсумдан «Машъал» жамоаси мураббийлар штабида иш бошлайман.

Қосимов футболдаги фаолияти мобайнида уч мамлакатнинг бешта клубида тўп сурди. Жумладан, Россиянинг «Крилья Советов» (Самара), «Алания» (Владикавказ), Бирлашган Араб Амирликларининг «Ал-Шабаб» ҳамда мамлакатимизнинг «Пахтакор», «Машъал» жамоаларида ўз маҳоратини намойиш қилди. «Алания» (1995 й.) ва «Пахтакор» (1998 ва 2002 йй.) жамоалари таркибида Россия ҳамда Ўзбекистон чемпиони унвонларини қўлга киритди. 1987 йилда собиқ иттифоқ ёшлар терма жамоаси таркибида жаҳон чемпиони, 1994 йилда эса Ўзбекистон миллий терма жамоаси билан Японияда бўлиб ўтган Осиё ўйинлари ғолиби бўлганди. Шунингдек, Миржалол Қосимов 1993, 1998, 2000 ва 2004 йилларда «Ўзбекистоннинг энг яхши футболчиси», деб топилди. У Ўзбекистон миллий терма жамоаси таркибида 67 учрашувда майдонга тушиб, 29 маротаба рақиблари дарвозасини аниқ нишонга олган.

Эркин ХОЛБОБО

МДҲ кубоги: «ПАХТАКОР» ЧОРАК ФИНАЛДА

Шу кунларда футбол бўйича Москвада ўтаётган Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги кубоги баҳслари қизғин паллага кирди. Анъанавий тарзда ўн тўртинчи маротаба ўтказилаётган мазкур мусобақада Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси ҳам муваффақиятли иштирок этмоқда.

Турнирнинг «А» гуруҳида қатнашаётган пахтакорчилар бу йилги баҳсларни кўтаринки руҳда бошлашди. Дастлабки турда Эстониянинг ТВМК жамоаси билан куч синашган ҳамюртларимиз рақиблари дарвозасига жавобсиз уч тўп йўлладилар — 3:0. Ушбу учрашувда тўпларни Зайниддин Тожиев, Сервер Жепаров ҳамда Илҳом Суюновлар киритди.

Иккинчи турда вакилларимиз Грузия чемпиони «Динамо» (Тбилиси) футболчиларига қарши майдонга чиқдилар. Илк ўйинда мусобақа мезбони Москванинг ЦСКА жамоасига 0:1 ҳисобида имкониятни бой берган грузияликлар пахтакорчиларга ҳам муносиб қаршилик кўрсатишди. Кескин ва ҳужумкор руҳда кечган ушбу баҳсда футболчиларимиз ғалаба қилди — 2:1. Пахтакорчилардан Зайниддин Тожиев ҳамда Сервер Жепаровлар рақиб дарвозасини аниқ нишонга олишди.

Ушбу ғалаба «Пахтакор» жамоасига муддатидан олдин кейинги босқич йўлланмасини туҳфа қилди. Шунингдек, гуруҳнинг иккинчи ўйинида Эстония вакилларидан кичик 1:0 ҳисобида устун келган ЦСКА футболчилари ҳам чорак финал йўлланмасини қўлга киритдилар. Кеча кечқурун мазкур икки жамоа гуруҳнинг сўнгги тур учрашувида ўзаро баҳс юритишди.

РОССИЯ ФУТБОЛЧИЛАРИГА ХОРИЖЛИК МУРАББИЙ

Футбол бўйича Россия терма жамоасига хорижлик мутахассиснинг мураббий бўлиши тахмин қилинмоқда. Россия футбол иттифоқи бошлиғи Виталий Мутко мухбирларга ана шу ҳақда маълум қилган.

— Мен ҳозир тўғриси, мамлакатимиз мутахассислари орасидан бош мураббийликка муносиб номзодни танлашга ожиз бўлиб турибман, — деб тан олди Мутко. — Хусусан, Газзаевни оладиган бўлсак, у ҳали-бери ЦСКАдан кетмоқчи эмас. Уни тўғри тушуниш керак. Шунингдек, барча етакчи мураббийларга ҳам мурожаат қилишга тўғри келди. Лекин улардан ҳеч бири бош жамоага раҳбарлик қилишга журъат этмадилар. Албатта, миллий жамоаларга кадрлар тайёрлаш бўйича кўп иш қилишимизга тўғри келади. Бунинг учун эса вақт керак.

Шунингдек, Мутко кейинги пайтларда хорижлик мутахассислар билан музокара олиб борганини маълум қилди. Ҳатто, ана шу мутахассисларнинг икки нафари билан Россия терма жамоаси бош муарббийлиги учун олдиндан келишувлар ҳам бўлган. Нима учундир Россия футбол иттифоқи раҳбари хорижлик мутахассиснинг номини айтмай турибди. Ҳар қалай у билан камида икки ярим йилга шартнома тузилиши мумкин экан. Муҳими, хорижлик мутахассисларга бериладиган ойлик маошлари жаҳондаги етакчи мураббийларникига ўхшаш, камида бир яримдан беш миллион еврогача бўлиши кўзда тутилмоқда.

ЧЕГАРАЧИЛАРНИНГ СОДИҚ ДЎСТЛАРИ

От нафақат қишлоқ хўжалиги ходимларининг, балки ҳарбийларнинг ҳам оғирини енгил қиляпти. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларига қарашли «Алоҳида отлиқ база»да отларнинг қорабайир зотини парваришлаш ва кўпайтириш бош вазифа саналади. Дарвоқе, ушбу «Алоҳида отлиқ база» 2001 йил чегара қўшинлари қўмондонининг ташаббуси билан ташкил этилган эди.

Ҳарбий хизматчилар отларнинг барча хусусиятларини ўрганиб, уларни Давлат чегараларини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш учун тайёрлаб беришяпти.

— Бизнинг вазифамиз, — дейди «Алоҳида отлиқ база» бошлиғи, капитан Лочин Душабоев, — хизмат отларини чегара хизматига етказиб беришдир. Отнинг асосан қорабайир зотини кўпайтиришга аҳамият беряпмиз. Чунки қорабайир Ўрта Осиё иқлим шароитига мослашган, чидамли, ҳар хил касалликларга бардош бериши билан бошқа отлардан ажралиб туради.

— Отнинг вафодорлигига бир мисол келтирай, — дея суҳбатга қўшилди сержант Б.Юсупов. — Бир куни чегара нарядида чегара режимини бузаётганларни қувиб кетаётганимизда олдимдан жарлик чиқиб қолди. Жарликдан от сакрагани устидан ошиб тушдим. Баданларим зирқираб оғрирди. Шундай бўлса-да сездирмадим. От ёнимга келиб атрофимда айланаверди. Тезда ҳеч нарса бўлмагандай жойимдан турдим. Шунда отамнинг «От йиқитса ёлини тўшайди», деганлари ёдимга келди. Бўлмаса, жарликнинг тубига қараган одамнинг боши айланиб кетади.

— Отларни тақалаш, парваришлаш қоидаларига риоя қилиш керак, — дейди «Алоҳида отлиқ база»нинг бош ветеринар шифокори капитан Бахтиёр Маматқулов. — Бу муҳим аҳамиятга эга. Отлар хизматга чиқишдан икки соат олдин суғорилган, тўлиқ озиқлантирилган бўлиши керак.

Отларни ҳарбий хизматга ўргатиш жараёнлари катта меҳнат талаб этади. Ҳар қандай тўсиқлардан сакрайдиган, сувлардан иккиланмай кечиб ўтадиган отлар давлат чегараси хизматига етказиб берилади.

— Машина ёки бошқа уловда бориб бўлмайдиган чегара ҳудудларида хизмат отларидан фойдаланилади, — дейди катта лейтенант Алихон Аббосхўжаев. — Хизмат отлари чегара пости аскарларига бириктирилган. Моддий товар буюмларини тўхтатиб қолишда, чегара тартибини бузганларни ушлашда отлар қўл келаётир.

Ҳа, қорабайир отлари давлатимиз сарҳадларини ҳимоя қилиш ва қўриқлашда чегарачиларимизнинг энг яқин ҳамроҳи ва кўмакчиси бўлиб қолди.

Холмурод АЛЛАНАЗАРОВ, Раззоқ ШОЙМАРДОНОВ

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

«ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ»

Сизларни «ESKI JO'VA DEHQON BOZORI» очиқ акциядорлик жамияти томонидан тақдим этилган объектлар бўйича биржа савдоларига таклиф этади

Биржа савдоларига 2005 йил 30 декабридан бошлаб, «ESKI JO'VA DEHQON BOZORI» очиқ акциядорлик жамияти ҳудудидаги ТИМ-2 савдо мажмуасида жойлашган қуйидаги 38 (ўттиз саккиз) та савдо дўконлари қўйилди:

*Умумий майдонлари **31,36** кв.метрдан бўлган **14 (ўн тўртта)** савдо дўкони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — **24 828 423,62** сўмдан.*

*Умумий майдонлари **31,36** кв.метрдан бўлган **14 (ўн тўртта)** савдо дўкони шийпони билан, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — **28 139 767,86** сўмдан.*

*Умумий майдонлари **64,24** кв.метрдан бўлган **2 (иккита)** савдо дўкони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — **56 252 703,25** сўмдан.*

*Умумий майдонлари **64,97** кв.метрдан бўлган **2 (иккита)** савдо дўкони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — **56 950 980,37** сўмдан.*

*Умумий майдонлари **65,88** кв.метрдан бўлган **2 (иккита)** савдо дўкони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — **57 820 284,22** сўмдан.*

*Умумий майдонлари **40,60** кв.метрдан бўлган **2 (иккита)** савдо дўкони шийпони билан, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — **36 971 425,82** сўмдан.*

*Умумий майдонлари **40,60** кв.метрдан бўлган **2 (иккита)** савдо дўкони, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — **33 659 497,58** сўмдан.*

Биржа савдоларининг савдо сессиялари ҳафтанинг ҳар иш кунида соат 11.00 дан 12.00 гача ҳамда 16.00 дан 17.00 гача «Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.

Биржа савдоларида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:
Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уй. 402-хона.
Телефон: 132-25-51, факс: 133-20-74

Тошкент давлат медицина институти томонидан 1987 йил 1 июлда Нуриддин Пардаевич Дияров номига берилган ПВ-836754 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA'DULLAYEV
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Akbar JONUZOQOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 352
14267 nusxada bosildi
1 — Тижорат материали
O'zA yakuni — 21.00
Topshirish vaqti 22.30
1 2 3 4 5

Sotuvda erkin narxda